

ЁНҒОҚ БАРГИ АСОСИДА ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТНИ СТАНДАРТЛАШГА ДОИР

М.А.Ходжаева, Ф.Х.Исмаилова, З.У.Маматқулов
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Изланишлар мақсади: ёнғоқ баргидан олинган қуруқ экстрактни стандартлаш учун лозим бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Усуллар: тажрибалар бешта қуруқ экстракт намунасида олиб борилди. XI Давлат фармакопеяси кўрсатмаларига мувофиқ қуруқ экстракт чинлиги, эрувчанлиги, таркибидаги оғир металллар, намлиги ва асосий таъсир этувчи ошловчи моддаларни миқдори ўрганилди. Ошловчи моддаларни миқдори перманганометрик усулда аниқланди.

Натижалар: қуруқ экстракт чинлиги унинг ташқи кўриниши ва ошловчи моддаларга сифат реакцияси бўйича белгиланди. Олинган қуруқ экстракт қўнғир рангли, сувда яхши эрийдиган, ўзига хос хидга ва буриштирувчи мазага эга. Уни чинлигини аниқлаш учун ошловчи моддаларга хос темир хлорид тузлари билан комплекс ҳосил қилувчи реакция тавсия этилди. Таҳлил натижасида ёнғоқ баргидан олинган қуруқ экстрактнинг намлиги 4,30-4,55% оралиғида эканлиги аниқланди ва рухсат этилган меъёри 5% гача белгиланди. Оғир металллар миқдорини белгиланган меъёрдан ошмаслиги эталон билан фарқ қилувчи ранг ёки лойқаланиш ҳосил бўлмаганидан аниқланди. Асосий таъсир этувчи ошловчи моддалар миқдори эса 7,88-8,32% оралиғида бўлиб, рухсат этилган миқдори 7% кам бўлмаслиги белгиланди.

Хулоса: таҳлил натижалари қуруқ экстрактга меъёрий ҳужжат лойиҳасини тузишда қўлланилди.